

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Мухаммад ал - Хоразмий
номидаги ТАТУ Фарғона филиали
директори _____ проф. А.Расулов

2019 йил 22 июнь

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари
университети Фарғона филиали профессор-ўқитувчи ва ходимларининг

умумий йиғилиши

б а ё н н о м а с и

2019 йил 22 июнь.

Фарғона шаҳри.

Қатнашдилар — директор ўринбосарлари, филиал профессор-
ўқитувчилари, бўлим бошлиқлари.

Йиғилиш раиси – профессор А.Расулов.

К у н т а р т и б и

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли қарори ҳамда ушбу қарорни филиалда амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида.

Ахборотчи: А.Расулов.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида олий таълим ва илм-фан соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳолатини ўрганиш ҳамда оммавий ахборот воситаларида танқидий муҳокама қилишга бағишланган 2019.19.06 санали 5-сонли мажлиси қарорларидан келиб чиқадиган вазифа ва топшириқлар ҳақида.

Ахборотчи: Ш.Умаров.

III. Турли масалалар.

Биринчи масала бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли қарори филиал директори А.Расулов ахборот берди.

Маълумки, жорий йилнинг 24 май куни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев олийгоҳнинг етакчи олимлари, фан арбоблари, ёш тадқиқотчилар билан учрашуви чоғида илм-фан соҳасида туб бурилиш қилиб, халқаро мезонлар асосида рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш - энг асосий вазифа эканлигини таъкидлаб, амалдаги олий даргоҳларнинг бу борадаги фаолиятига танқидий-тахлилий баҳо берган эди.

Ушбу учрашув мазмунидан келиб чиқиб, 2019 йил 17 июнда юқоридаги ПҚ-4358-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорнинг туб моҳияти шундаки, Миллий университетни 9та мақсадли дастурлар асосида ривожлантириш бўйича аниқ манзилли чора-тадбирларнинг асосий йўналишлари белгиланган. Айтилиши вақтда, Республиканинг деярли барча олий ўқув юртларида 2та масалада ҳолат талаб даражасида эмаслиги қарорда рўй-рост белгилаб берилган: 1) ишлаб чиқаришда талаб юқори бўлган кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш; 2) илмий салоҳиятни ривожлантириш.

А.Расулов ушбу қарор мазмунидан келиб чиқиб, ОТМларнинг раҳбарлари иштирокида ўтказилган амалий семинарда кун тартибига қўйилган масалалар мазмуни билан йиғилганларни таништирар экан, ушбу семинардаги белгилаб берилган топшириқлар негизида ҳар бир профессор-ўқитувчимизнинг қўйидаги программ-режаси турганини таъкидлади:

- биринчи навбатда, юқоридаги қарорнинг мазмун-моҳиятини ўрганиб чиқиб, шахсий стратегик ва тактик режаларни ишлаб чиқиш;
- 9та мақсадли дастур асосида бажарилган ишларнинг календарь режасини тайёрлаш;
- илмий салоҳият нуқтаи назаридан эса номзодлик, докторлик, доцентлик каби навбатда турган унвон ва даражаларга босқичма-босқич эришиш;
- ишлаб чиқариш ва саноат учун рақобатбардош ва талабгор кадрлар тайёрлаш учун замонавий педтехнологияларни ўзлаштириш;
- “ишлаб чиқариш+олийгоҳ” формуласи асосида амалиётлар ташкил этиш;
- илмий-инновацион ишларда қатнашиш ҳамда ўзаро илмий-иқтисодий шартномаларда актив иштирок этиш;
- хорижий ОТМларда илмий-амалий стажировкаларни ўташ.

А.Расулов ушбу кўрсатиб ўтилган топшириқларни расмийлаштириш ва умумийлаштириш, бажарилишини назорат қилиш ҳамда мутасадди ташкилотларга ўз вақтида ҳисобот бериб бориш кафедра мудирлари, бўлим

бошлиқлари, директор ўринбосарларининг биринчи навбатда бажариши шарт бўлган вазифалари эканини кўрсатиб ўтди.

Ушбу масала юзасидан кафедра мудирлари, доцентлар Р.Зулунов, С.Абдурахмонов, О.Қўлдошевлар фикр-мулоҳаза билдириб, кўрсатиб ўтилган топшириқларни ўз вақтида, таклифлар асосида кенгайтириб, сифатли бажариш - ютуқларимиз гарови эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Иккинчи масала юзасидан Ўқув-услубий бўлим бошлиғи Ш.Умаров сўзга чиқиб, Республика олий таълим ва илм-фан муассасалари фаолиятини танқидий ўрганиш натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш масаласи кўрилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида 2019 йил 19 июнда ўтказилган 5-мажлисининг мазмуни, унда ОТМлар олдида қўйилган муҳим топшириқлар ҳақида йиғилганларни таништириб ўтди.

Хусусан, жорий йилнинг 6 июнида Фарғона вилояти ОТМларидаги ўқиш-ўқитиш ишларининг умумий ҳолати, ҳар томонлама таъминланганлик даражаси ҳамда маънавий маърифий ишлар ҳолати махсус ишчи гуруҳ орқали ўрганилиб, Республика телевидениясида “Пресс-клуб” орқали танқидий-тахлилий кўрсатув берилганда бизнинг ТАТУ Фарғона филиали олдида ҳам, камчиликлар юзасидан, бир қатор талаблар қўйилган эли.

Навбатда, юқоридаги мажлис баёни асосида, яна ана шундай ўрганиш 2019 йилнинг 24-26 июнь кунлари вилоят ОТМлари микёсида ўтказилади ҳамда умумий муҳокамаларга қўйилади.

Демак, барча соҳалар бўйича бундай текширувга тайёр бўлиб туришимиз, қуйидаги мазмундаги топшириқлар тўла-тўқис бажарилиши амалга оширилган бўлиши лозим:

- барча гуруҳ журналлари талаб даражасида расмийлаштирилган бўлиши;
- баҳорги аттестация синовлари, БМИ ва МД ҳимоялари белгиланган график асосида ўтказилаётганлиги;
- ҳар бир талаба давомати ҳақидаги маълумотлар базасининг деканатлардаги мавжудлиги;
- мураббийлар фаолияти, маънавий-маърифий ишларнинг тасдиқланган режа асосида олиб борилаётгани;
- Талабалар турар жойи масаласида қилинган ишлар ахбороти;
- Филиал ҳудудини ободончилигини, маъмурий ишларнинг сифатлилигини таъминлаш;
- Кафедралардаги ўқитувчилар салоҳияти, илмий-тадқиқот ишлари самарадорлиги бўйича ҳужжатлар мавжудлиги;

- Профессор-ўқитувчилар, ходимларнинг олий таълим соҳасига доир Президент, Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлик ва бошқа юқори ташкилотларнинг фармон, буйруқ, қарорлари мазмуни билан танишлилигини таъминлаш;
- Кийиниш этикаси, муомала маданиятига филиал ҳудудида қатъий амал қилиш.

Ш.Умаров булардан ташқари ОТМлар томонидан янги 2019-2020 ўқув йили давомида эришилиши лозим бўлган аниқ натижадорлик ва самарадорликнинг намунавий кўрсаткичлари билан ҳам йиғилганларни таништирди.

Ушбу масалага фикр билдирган филиал директори А.Расулов қуйидаги топшириқларни белгилаб берди:

- Юқоридаги ПҚ-4358-қарор бўйича ҳамма режа, ишчи дастур тузиши, 2019 йилнинг 26 июнига қадар Ш.Умаров ва Ф.Мулайдиновларга топшириши керак;
- АРМда (Х.Арибджанова) электрон тизим тўла йилга қўйилиши, локал тармоқ ишлаши шарт;
- Электрон доскалар, проекторлар, интернет тезлиги (А.Полвонов, Ф.Мулайдинов) талаб даражасида ишлаши лозим.
- “Ўзбекистон-24” телеканали “Пресс-клуби”да кўрсатилган камчиликлар тугалланган бўлиши ва ҳар бир масъул шахс прессага бу масалада жавоб тайёрлаб қўйиши керак;
- кафедра мудирлари 9та мақсадли дастур асосида 13та ҳужжатлар папкасини тайёрлаб қўйишлари лозим.

Ушбу масала юзасидан доцентлар К.Акбаров, С.Абдурахмонов, профессор А.Абдуллаев, Ишлар бошқармаси бошлиғи Х.Абдурахмоновлар фикр-мулоҳаза, таклифларни билдирдилар.

Филиал профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг умумий йиғилиши

қ а р о р қ и л а д и :

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли қарори ҳақида А.Расуловнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида олий таълим ва илм-фан соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳолатини ўрганиш ҳақида оммавий ахборот

воситаларида танқидий муҳокама қилишга бағишланган 2019.19.06 санали 5-сонли мажлиси ҳақидаги Ш.Умаровнинг ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Президентнинг 2019.17.06. сонли ПҚ-4358-сонли қарори барча кафедра ва бўлимларда, факультетларда ишлаб чиқилиб, шу асосида чора-тадбирлар режаси тузилсин. Муддат: 2019 йил 24 июнгача.
Масъуллар: директор ўринбосарлари, факультет деканлари, кафедра мудирлари, бўлим бошлиқлари.
3. Жорий йилнинг 6 июнида Ўзбекистон телевидениясида - "Пресс-клуб"да таъкидланган филиал фаолиятидаги камчиликларни бартараф этилиши бўйича ахборот тайёрлаб қўйиш масъул шахсларга топширилсин. Муддат: 2019 йил 24 июнгача.
4. Филиал АРМга доир, АТМ бўлимига доир электрон тизим, локал тармоқ, интернет тезлиги каби муаммолар бартараф этилсин, техник жиҳатдан тўла-тўқис ишлаши таъминлансин. Муддат: 2019 йил 24 июнгача.
Масъуллар: Ф.Мулайдинов, Х. Арибджанова, А.Полвонов.
5. Профессор-ўқитувчилар, ходимлар ҳамда талабаларнинг кийиниш маданияти, одоб-ахлоқ мезонларига риоя қилиши масалалари қатъий назорат остига олинсин. Муддат: доимий. Масъуллар: факультет деканлари, А.Райимов, гуруҳ мураббийлари, Н.Мамасодиқова.
6. Юқоридаги барча топшириқларнинг умумий назорати филиал директори зиммасида қолдирилади.

Йиғилиш раиси:



А.Рсулов

Йиғилиш котиби:

 М.Мирзаев